


ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР

RESEARCH AND INNOVATIONS

1-СОН



ЯНВАРЬ, 2023

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

1-ЖИЛД, 1-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-1, НОМЕР-1

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-1, ISSUE-1

ТОШКЕНТ - 2023

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-1>

Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

Таҳририят аъзолари:

Камалова Д. Э. – филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Муҳибова У. – филология фанлари доктори, профессор
Каримов Б. – филология фанлари доктори, профессор
Рашидов Т. – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент
Мухамедова Ф. – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори
Тешабоев Ж. – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Эгамбердиев И. – техника фанлари доктори, профессор
Ташманов Е. – техника фанлари доктори, профессор
Салихова О. – техника фанлари номзоди, доценти
Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Жумамуратов А. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Камолов Б. – география фанлари доктори, профессор
Миракмалов М. – география фанлари номзоди, доцент
Тожиева З. – география фанлари номзоди, доцент
Юсупова М. – архитектура фанлари доктори, профессор
Аскарлов Ш. – архитектура фанлари доктори, профессор
Назарова Д. – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

“Тадқиқот ва инновациялар” журналі 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054912**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.1 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади**.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

Филология фанлари

АНОРБОВА Солиха Асқаржон кизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Роман-герман филологияси испан тили

амалий фанлар кафедраси стажёр ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569446>

ИСПАН ТИЛИ МИСОЛИДА ТАРЖИМАШУНОСЛИККА ЎҚИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола таржимонлик компетенциясининг мазмун-моҳиятини очиқ беришга бағишланган. Ушбу мақолада муаллиф таржимонлик компетенцияси тушунчасининг доктринал изоҳи, таржимонлик компетенциясининг аҳамияти ҳақида сўз юритади.

Калит сўзлар: таржима, таржимон, таржимонлик, компетенция, таржимонлик компетенцияси, мамлакат, ривожланиш, таржимашунослик, чет тили, чет тилини ўргатиш, мамлакат ривож, сиёсат, таълим, чет тилига қўйилган талаблар.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена раскрытию сущности переводческой компетенции. В данной статье автор рассматривает доктринальное объяснение понятия переводческой компетенции, значение переводческой компетенции.

Ключевые слова: перевод, переводчик, компетенция, переводческая компетенция, страна, развитие, переводческое дело, иностранный язык, преподавание иностранного языка, развитие страны, политика, образование, требования к иностранному языку.

ANNOTATION

This article is devoted to the disclosure of the essence of translation competence. In this article, the author examines the doctrinal explanation of the concept of translation competence, the meaning of translation competence.

Key words: translation, translator, competence, translation competence, country, development, translation business, foreign language, foreign language teaching, country development, politics, education, foreign language requirements.

Ҳозирги шиддат билан давом этаётган дунёда давлатлар ва халқларни тил бир мақсадга бирлаштиради. Бироқ, ҳар бир халқнинг ўзига яраша тили ва маданияти ҳар хил бўлганлиги ушбу маданият ва тилни ўрганиш учун таржимонлик ҳозирги кунда жуда зарур йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Айнан таржимонларгина халқлар ва элатларнинг ўзига яраша тили ва маданияти ҳақида ушбу тил ва маданиятга қизиқувчиларга зарур маълумотларни бера оладилар. Ўзга тил ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли чет тилини ўрганиш ва унга оид маълумотларни бунга қизиқувчи шахсларга тушунтиришда таржимондан зарур истеъдодни талаб қилади. Бу ўринда таржимонлик компетенцияси алоҳида аҳамиятга эга.

Таржимонлик компетенциясига дастлаб Р.Т. Белл таъриф беришга ҳаракат қилиб, унга у “таржима жараёнининг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи билим ва маҳорат”, деб тавсиф берган [1, Б.21]. Ҳақиқатан ҳам, таржимонлик компетенциясини биз бир сўз билан маҳорат билан таржимонлик қилиш, таъкидласак муболаға бўлмайди.

Олим Ш.С. Сафаровнинг фикрларига асосан, ҳар қандай ҳолатда ҳам, таржимонлик компетенциясининг эгаллаган ва олдин мавжуд бўлган декларатив билимларнинг омухталаниши муҳотида ҳамда уларнинг ижро ёки ижодкорлик қоидаларига мослашувида шаклланидиган қобилият кўринишида тасаввур қилганимиз маъқул кўринади [7, Б.4].

Фикримизча, бу гапларда жон бор, сабаби таржимонлик компетенцияси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, балки таржимоннинг базавий билимлари, унинг эгаллаган тажрибасига асосан ривожланиб боради ва маълум бир вақтда унинг маълум бир таржималар хусусида фикр ва ўйлари такомиллашиб, янада аниқроқ тасаввур пайдо бўлиб боради. Буни аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар бир сўзнинг матнда қандай қўлланилиши ва унинг ҳақиқий таржимаси ўртасида унчалик тажрибага эга бўлмаган таржимоннинг таржимасидаги тушунча билан, ҳақиқий мазмунан таржимадаги тушунчалар ўртасида ўзаро фарқ бўлиши табиий ҳолатдир. Олим И.М. Тўхтасиновнинг фикрларига кўра, таржимонлик компетенцияси таржимоннинг касбий маҳорат ва имкониятларини характерловчи тушунчадир [4, Б.14].

Мазкур фикрларга жавоб беришдан олдин, компетенция тушунчасининг луғавий маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тушунча латинча “competentia” сўзидан олинган бўлиб, келишув, мувофиқлик, мос келишлик деган маъноларда келиб, кимдир яхши биладиган бир қатор масалалар деган маънони англатади ва уни бир сўз билан “баркамоллик”, деб таъкидласак бўлади. Бошқа манбаларда у “competence” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони беради, сўзма-сўз таржима қилинганда, “мусобақалашмоқга лаёқатлилик” маъносида келади [3, Б.28].

Фикрларимизнинг исботи сифатида шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, чет тили коммуникатив компетенцияси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти” чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларга асосан, ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир [2]. Таржимонлик компетенциясига эга бўлиш учун шахс, аввало, лингвистик компетенция тил материали, социолингвистик ва прагматик компетенцияга эга бўлиши лозим.

Таржимонларда таржимонлик компетенциясини шакллантиришда таълим босқичлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда Финландия тажрибасидан фойдаланиш фикримизча мақсадга мувофиқдир. Сабаби фин таълими босқичлари ўзининг узлуксизлиги, таълим тизимининг бепуллиги, коррупциявий ҳолатлардан ҳолилиги, таълим босқичларини танлашда талабгорнинг мутлақ мустақиллиги билан характерланарли ва бунда финландиялик таржимонлар таржимонлик кўникмаларини йиллар давомида шакллантириб боришади [5, Б.35].

Ҳақиқатан ҳам таржимашунослик кундалик юмуши сифатида амалга оширилиши, доимий такрорлаш ва уни амалда қўллаш орқали таржимонлик кўникмалари ривожланиб бориши табиий ҳолат. Бироқ, республикамизда таржимашунослик, айниқса, инглиз тилидан ташқари, испан, француз, хитой, немис ва бошқа тилларга бўлган эътиборнинг сустлиги ва талабнинг камлиги туфайли бугунги кунда мамлакатимизда баъзи йўналишларда таржимонлик соҳасини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Тўғриси айтганда, таржимонлик компетенциясини шакллантириш бўйича мамлакатимизда зарур чора-тадбирлар етарлича ишлаб чиқилмаган ва бу соҳага умумий йўналишлардан бири сифатида қаралади, таълим босқичларида ҳам ўқувчилар асосан, чет тилига тегишли умумий қоидаларни ўрганиш билангина чекланиб қолишади, бу йўналишда кадрлар тайёрлайдиган алоҳида таълим муассасалари ҳам етарлича эмас.

Бори ҳам, инглиз ва бошқа тилларни ўргатишга ихтисослашган бўлиб, таржимонлик компетенциясини ўргатиш бўйича алоҳида ўқув курслари ёки бу бўйича фанлар республикамизда ўтилмайди, балки чет тили бўйича умумий қоидалар билан чекланиб қолинади. Бу эса, жамиятдаги оғриқли бўғинлардан биридир. Сабаби чет тили билан мамалкат аҳолиси дунё ҳамжамияти билан яқиндан мулоқот қилиши, уларнинг маданияти, урф-одати, иқтисодиёти, сиёсати билан яқиндан танишиши мумкин.

1996 йилнинг 27-30 март кунлари Берн шаҳрида Европа Кенгаши дастури бўйича ўтказилган симпозиумда, таълимни ислоҳ қилиш учун энг муҳим нарса таянч компетенцияларни белгилаб олиш керак эканлиги, бу эса ўз навбатида таълим олувчиларнинг муваффақиятли равишда ишлай олишлари ва сўнгра олий таълим олишлари учун зарурлиги ҳақида масала кўйилади [6,Б.18]. Ҳақиқатан ҳам, таржимонлик компетенциясининг шаклланишида таржимон энг муҳим компетенцияларни белгилаб олиши мақсадга мувофиқ.

Буни соддароқ қилиб айтганда, чет тилининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳар бир чет тилини ўрганишнинг ўзига хос сир-асрорлари мавжуд. Мисол учун, рус тилида “-ция” билан тугаган сўзлар испан тилида ҳам “-cia” каби тамомланади ва бу орқали ушбу кўшимча билан тугаган сўзларнинг рус тилидаги таржимасини билган ўқувчи унинг испан тилидаги таржимасини аниқлашда қийинчиликларга дуч келмайди.

Шахсда таржимонлик компетенцияси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, унинг учун шахсдан йиллаб вақт талаб қилинади. Ҳар сафар шахс ўз устида ишлар экан, ўзининг қобилиятлари чексиз эканлигини ҳис қилиб бораверади ва янада ўз устида ишлашга ҳаракат қилараверади. Бироқ, таржимонлик компетенциясининг шаклланишида қуйидаги бир қатор омилларнинг мавжудлиги унинг ривожланишига салбий тўсиқ бўлиши мумкин, хусусан:

– оиладаги ўзаро низолар, бу таржимон ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга, сабаби таржимон ўз ҳаётидаги низоларнинг ечими сифатида ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратади ва ўзи билмаган ҳолда бу йўналишда ўзини шакллантириб бораверади;

– давлатда таълимга, айниқса, чет тили ва таржимонлар тайёрлашда бўлган давлат сиёсати;

– таржимонлик тайёрлашга бўлган моддий-техник ва услубий ёндашув;

– таълим тизимининг узвий боғланмаганлиги;

– таълимнинг назария ва амалиёт билан ўзаро турфалиги;

– таржимонлар тайёрлашга бўлган кадрлар салоҳиятининг етарли даражада эмаслиги;

– таржимонларга қўйилган минимал талабларнинг мавжуд эмаслиги;

– таржимашуносликка оид ўқув материалларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

– таржимашуносликка оид ўқув материалларининг жуда мураккаблиги ва тушунчарсиз тилда баён қилинганлиги;

– чет тилидаги сўзларнинг айнан мазмунини англатувчи таржималарнинг етарли даражада эмаслиги;

– таржимонларнинг моддий базаси етарлича таъминланмаганлиги.

Юқоридаги ҳолатларнинг мавжудлиги таржимашунослик ривожланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин, мисол учун, республикада бу йўналишга эътиборнинг етарли даражада эмаслиги, ҳар йили олий таълим муассасалари учун қабул квоталарининг сони сезиларли даражада камайишига олиб келади, қабул квотасининг камлиги эса, бу йўналишда таржимонларнинг сони ва сифатига бўлган талабнинг пассив бўлишига сабаб бўлади. Таржимашунослик йўналишида моҳир касб устаси бўлиш учун таржимон амалиётдаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, ўзининг ривожланиш стратегиясини белгилаб олади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда мамалакатимизда таржимашунослик, айниқча таржимонлик компетенциясининг шаклланишига алоҳида эътибор билан давлат раҳбари даражасида қаралаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Бироқ, таржимашуносликда кўпроқ инглиз тилига эътибор қаратилаётганлиги инглиз тилидан ташқари бошқа чет тилларининг юртимизда кенг ривожланишига салбий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Фикримизча, мамалкатимизнинг кейинги ривожда инглиз тилидан ташқари испан, немис, француз, хитой, япон ва бошқа тилларига бўлган эътибор ҳам юқори бўлиш керак. Биргина испан тили мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бугунги кунда 320 миллиондан ортиқ киши, айнан испан тилида мулоқот қилади. Бу тил Испания ва Лотин Америкасидаги 19 мамлакатнинг расмий тили ҳисобланади. Дунёда 230 га яқин давлатлар борлигини инобатга олсак, 20 та давлатда расмий тил сифатида испан тилининг қўлланилиши мамалкатимиз учун аҳамиятга эга бўлиши даркор, наздимизча.

Маълумки, энг машҳур тил компетенцияси шкалаларидан бири – бу Common European Framework of Reference. Унда А1 дан С2 гача бўлган олтита даража, жумладан ўқиш, ёзиш, эшитиш, суҳбатлашиш каби турли хил тил малакалари мавжуд. Бироқ, мамалкатимизда инглиз тилидан бошқа чет тилларига бўлган эътиборнинг инглиз тили даражасида эмаслиги, айнан мана шу олтита даража бўйича испан тили билан шуғулланувчи таржимонларнинг лозим даражада ташкил қилмаслигига сабаб бўлмоқда. Кимдир ушбу даражалар бўйича маълум бир билим ва кўникмага эга, бироқ буларнинг барчасини жамлаган испан тили таржимашуноси бўлган кадрлар сони республикамизда деярли жуда кам.

Юртимизда ўзбек ва испан университетлари ўртасида кўплаб ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Академик айирбошлаш бўйича келишувларга мувофиқ, ўнлаб талабалар Испанияда ўқиб келмоқдалар, ўзбек ёш олимлари испан университетларида докторлик диссертацияларини ёқлаб қайтяпти.

Бироқ, шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда таълим тизимида кенг шароитлар яратилганига қарамай, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларда испан тилини ўқитиш жаҳон стандартлари даражасида эмас.

Юртимизда етишиб чиқаётган кадрларнинг испан тилини билиш, унда бемалол суҳбатлаша олиш имконияти юқори эмаслиги тобора ўз дарвозаларини дунёга кенг очиб бераётган мамлакатимизда ташкил этилаётган турли халқаро учрашувлар, конференция ва семинарларда яққол намоён бўляпти.

Юртимизда испан тили бўйича таржимонлар тайёрлаш иши ҳам қониқарсиз. Бу жараёнда дунёнинг илғор тажрибаси билан ҳисоблашмаслик, хорижда ишлаб, ўқиб келаётган тажрибали таржимон ва мутахассислардан турли субъектив ҳолатлар туфайли самарали фойдаланилмаётганлиги оқибатидир. Хусусан, олий таълим муассасаларимизда чет тилини ўртача даражада (B1) ўзлаштирган айрим ўқитувчилар (жаҳон стандартига асосан чет тилини ўргатувчи мутахассис камида C1, C2 даражаларига эга бўлиши лозим) испан тили бўйича дарс ўтаётганини қандай тушуниш керак? Ўзи амалий таржимонлик қилмаган, таржималари дунё юзини кўрмаган “мутахассис” ушбу ҳунар сирларидан бошқаларни қандай хабардор қилсин?!

Ушбу муаммоларнинг юзага келишига асосий сабаблардан бири испан тили таълимига эътиборнинг сустлигидир.

2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига биноан 2013 йилдан бошлаб халқ таълимида чет тилларни ўқитиш аввалгидай 5-синфдан эмас, балки 1-синфданок йўлга қўйилди. Бу замон талаби, яхши янгилик бўлди. Бироқ ўрганиладиган чет тиллар сифатида биргина инглиз тилига асосий эътибор қаратила бошланди.

Аслида испан, немис ва француз тилларининг дунё тамаддунида аҳамияти катта. Жумладан, испан тили Европа Иттифоқининг асосий ишчи тили мақомида бўлиб, унга фан ва технологиялар тили сифатида қаралади. Испан тили Испаниядан ташқари дунёнинг 25 дан ортиқ давлатларида биринчи тил сифатида тан олинган ва ҳозирда бу тилни дунё бўйлаб миллионлаб одамлар ўрганади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда испан тилини ўқитишни янада кучайтириш зарур. Бу нафақат филология ва тилшунослик йўналишида, балки турли соҳаларда кадрлар тайёрлашда жорий этилиши керак. Масалан, юртимизга келаётган сайёҳларнинг катта қисми испанзабон мамлакатлардан, улар республикамизга салмоқли туристик валюта инвестицияси келтирмоқда.

Саёхатбонлар гидларнинг испан тилини пухта билиши уларнинг қадимий шаҳарларимиз, тарихий обидаларимиз, умуман, юртимизга қизиқишини ошириши табиий.

Олий таълим масканларида ўқитилаётган испан тили ўқув режасида педагогика, психология ва методика фанлари ўқув соатларини янада кўпайтириш керак. Бу ўқитувчи учун жуда зарур бўлган касбий тайёргарликни қафолатлайди. Шу сабабдан испан тили ўқитувчилари тайёрлаш вазифаси асосан педагогика университети ва институтлари зиммасига юклатилмоғи лозим. Бироқ, афсуски, айти пайтда аҳвол тескари. Мамлакатга эса филолог ва таржимонлардан кўра, мактаблар, академик лицей учун кўпроқ ўқитувчи кадрлар керак. Аммо шу билан бир қаторда олий таълим муассасаларини айнан испан тили йўналиши бўйича тамомлаган кадрларга умуман эътибор берилмайди ва уларга иш жойи яратилмаган. Қатор вилоятларда эса умуман испан тили ўқитилмайди ҳам, бу эса ўз навбатида ачинарли ҳол.

Шундан келиб чиқиб, мутасадди идоралар Ўзбекистонда испан тилини ўқитиш борасидаги ишларни қайта кўриб чиқадилар, деган умиддамиз. Испан тилига муносиб эътибор, баҳо ва аҳамият бериб, унинг юртимизда ўқитилаётган чет тиллар ичидаги улушини кўтардилар. Бу эса испанзабон мамлакатлар билан ҳамкорликни янада юқори поғонага олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда Ўзбекистоннинг ҳар соҳада турли мамлакатлар билан жадал ривожланаётган ҳамкорликлар шароитида, хорижий тилда ишбилармонлик алоқаларини ўрната оладиган, муайян соҳанинг терминологияси, профессионал фаолият ва оригинал материаллар билан ишлашга қодир, малакали ҳамда сифатли таржимон-мутахассисларни тайёрлаш вазифаси илгари қўйилмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимининг сифати деганда, етишиб чиқаётган ёш мутахассиснинг замон талабларига жавоб бера оладиган профессионал тайёргарлиги, унинг «профессионал компетенцияси» тарзида тушунилмоқда. Лекин таржимон тўлақонли профессионал компетенцияга эга бўлиши учун етарли малака ҳамда тажриба ҳам эга бўлмоғи лозим.

ИҚТИБОСЛАР

1. Bell R.T. Translation and Translating: theory and practice. – London, 1991.298 p.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти Чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – lex.uz.
3. Ж. Шодиев, С.Тошниёзова, Д.Назарова. Таълим-тарбия тизимида таянч компетенциялар. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили” мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2017 й. 100-бет.
4. И.М.Тўхтасинов. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. – Т.: 2018 й., Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – 14 б.
5. И.Тайпале. Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси. / Финляндия қандай қилиб Финляндия бўлди: сиёсий, ижтимоий ва маиший инновациялар. – Т.: “Sharq”, 2019. – 135 бет.
6. Р.Қодиров. Таълим жараёнида компетенциявий ёндашувлар ва унинг ўқув жараёнига кириб келиш тарихи. Polish science journal (ISSUE 13, 2019) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2019. Part 2 - 71 p.
7. Ш.С. Сафаров. Таржима компетенциясининг таркибий қисмлари. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. journal.fledu.uz. № 3/2019. – Б.127.

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-I, ISSUE-I

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz